

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

Магистрант: Расулова Наргиза Нерон қизи
Илмий раҳбар: Иноятова Дурдона Шохайдаровна
Тошкент Архитектура-Қурилиш Университети,
Қурилишни бошқариш факултети, Менежмент

Аннотация. Ушбу мақолада қурилиш ташкилотларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бозор муносабатлари шароитида, бозор талабларини доимо ўрганиб бориш ва шу асосда қурилиш маҳсулот турлари, сифат ва миқдорини олдиндан белгилаш ва уни бошқариш хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: қурилишда бозор муносабатлари, қурилишда рақобат, маркетинг фаолияти ва турлари, қурилишда бошқарув тизими.

Бозор муносабатларига ўтиш ва бу муносабатлар тўла шаклланган даврда маркетинг хизмати халқ хўжалигининг маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳар бир соҳасида муҳим рол ўйнайди. Маълумки бозор муносабатлари шаклланган бир даврда маҳсулотнинг харидоргир бўлиши ва ўз вақтида эгасини топиши ишлаб чиқарувчининг нафақат бугунги, балки эртанги кунги келажагини ҳам белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021—2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон Фармони тасдиқланди¹². Фармонга асосан:

қўшимча кичик тизимлар ва маълумотлар базаларини яратиш йўли билан қурилиш соҳасини рақамлаштириш;

➤ шаҳарсозлик соҳасидаги норматив базани модернизациялаш ва хорижий норматив ҳужжатларни мослаштириш;

➤ аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш тизимини такомиллаштириш;

➤ қурилиш соҳасида айрим рухсат бериш тартиботларини соддалаштириш йўли билан “Бизнес юритиш” халқаро индексида “Қурилиш учун рухсатномалар олиш” кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон Республикаси позициясини яхшилаш;

➤ уй-жой кўчмас мулки қурилишида улуш киритиш асосида уй-жойларни қуриш учун аҳоли маблағларини кенг жалб қилиш орқали ипотека кредити бозорини ва кўп квартирали уйлар қурилишини ривожлантириш;

¹² <https://lex.uz/docs/-5970701/>

➤ қурилиш материалларини ишлаб чиқишга ва объектлар қурилишига инновацион технологияларни татбиқ қилиш;

➤ инвестиция лойиҳалари иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда йириклаштирилган кўрсаткичларга босқичма-босқич ўтиш;

➤ лойиҳанинг смета қисмида давлат экспертизасини бекор қилиш йўли билан экспертиза ишлари тизимини такомиллаштириш;

Ҳар қандай қурилиш ташкилотининг тўла-тўқис фаолият кўрсатиши рақобатбардош маҳсулот яратиши учун унда маркетинг хизматини ташкил қилиш зарур. Акс холда, у бозор муносабатлари даврида ўз ўрнини топа олмайди, рақобатларга дош беролмай тез фурсатда синади.

Қурилиш ташкилотларида ташкил қилинган маркетинг хизмати ўз фаолиятини қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратмоғи лозим. Маркетинг хизмати мақсадини аниқ қилиб олиш ва уни доимо назорат қилиш имконини берувчи шаклга солиш. Бозорни доимо ўрганиб бориш ва шу асосда маҳсулот турлари, сифат ва миқдорини олдиндан белгилаш¹³.

Қурилиш ишлаб чиқаришини бозордаги талаб ва эҳтиёжга мослаштириш. Маҳсулотни четга чиқариш имкониятларини қидириш ва бундай маҳсулот турлари ва миқдорини олдиндан белгилаш. Рақобатчиларнинг иш фаолиятини, уларнинг стратегия ва тактикасини ўрганиш. Маҳсулотларни айрибошлаш ва сотиш режаларини тузиш ҳамда амалга ошириш. Бозорда муҳим ўрин эгаллаш, харидорлар сафини кенгайтириш мақсадида реклама ишларини ташкил қилиш. Қурилишда меижемент деганда уни бозор муносабатлари шаклланган давр талаб ва қоидаларига биноан бошқариш тушунилади. Шунинг учун менежерлар махсус тайёргарлик кўргани, бошқаришнинг сир-асрорлари, қонун қоидаларини чуқур билувчи малакали мутахассислар ҳисобланади. Уларни “ёлланма бошқарувчилар” деб ҳам юритилади. Фирмани бошқариш менежерларнинг касбий фаолияти ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти даврида қурилиш соҳасини менежмент ва маркетингсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда маркетинг қўлланилмайдиган соҳа қолмади. Маркетингнинг турли соҳаларда қўлланилиши натижасида унинг турлари яна ҳам кўпайиб кетди.

Маркетинг ишларини олиб бориш миқёсига қараб макромаркетинг ва микромаркетинг турларига бўлинади.

Макромаркетинг бу - глобал, ижтимоий соҳаларда маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ва консюмеризмдир. Консюмеризм бу истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган тизимини яратиш ва амалга ошириш тизимини ташкил қилиш демақдир¹⁴.

¹³ Rodney Howes, J. H. M. Tah., Strategic Management Applied to International Construction. - New-York. 2019.

¹⁴ М.М. Miraxmedov, X.I. Yusupov, I.M. Maxamataliyev, E.A. Shomirzayev, A.T. Ilyosov. Qurilishni tashkil etish va rejalashtirish – T.: “Sharq”, 2018. 38-55 b.

Глобал маркетинг деганда умумдавлат ёки умуминсоний миқёсида талаб ва таклифга оид назариялар ва ғоялар йўналишларини яратиш тушунилади.

Ижтимоий маркетинг концепцияси охириги пайтларда вужудга келиб тез ривожланиб бормоқда. Бу концепцияга мувофиқ фирма, компания, ташкилотларнинг асосий вазифаси мақсадли бозорларнинг (яъни истемолчиларининг) эҳтиёжлари ва талабларини аниқлаш уларни талаб қилинган даражада, рақобатчиларга қараганда самаралироқ, унумлироқ усуллар билан бир йўла истемолчиларнинг ва жамиятнинг фаровонлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда қондиришдир.

Регионал маркетинг – бу маъмурий ҳудудлар, яъни талаб ва таклифни ўрганишда туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, бир неча мамлакатлар мажмуини ҳисобга олиб бориладиган маркетинг тадқиқотларидир.

Бошқарув маркетинги – маркетинг жараёнини бошқаришга оид тадқиқотлар киради.

Стратегик маркетинг – фирма, компанияларнинг маркетингга оид стратегияларини ишлаб чиқиш киради. Стратегик маркетинг бу ишлаб чиқариш тижорат фаолиятини бозор вазияти ва корхона имкониятлари билан тўлиқ мувофиқ шаклда амалга ошириш учун ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчининг ҳар бир алоҳида бозор, ҳамда ҳар бир товар бўйича маълус даврда (узоқ муддатли, ўрта муддатли) мақсадларга эришиш вазифаларини ҳал қилишни шакиллантиришдир.

Маркетинг стратегияси товар бозорининг конъюнктурасини тадқиқ ва тахмин қилиш, товарни, ҳаридорларни, раҳбарларни ҳамда бозорнинг барча элементларини ўрганиш асосида ишлаб чиқарилади.

Бозор муносабатлари шароитига ўтиш билан, қурилиш соҳасида марказлаштирилган бошқарув тугатилиб, аксарият трестлар нисбатан оддий иерархик тавсифга эга бўлиб, турли хусусий фирмаларга бўлиниб кетди. Ушбу кўринишда режалаштириш бўлимига эҳтиёж юзага келиши, меҳнат ва меҳнатга иш ҳақи тўлаш ҳамда бошқа ҳолатларни меъёрийлаштириш зарурати юзага келади.

Шунингдек, тузилмаларнинг қайта ўзгартирилиши жараёни ҳали ҳам тўлиқ тугалланган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Жумладан, бозор муносабатлари шароитларида зарурий ҳол сифатида янги функционал хизматларни яратиш ва мос равишда аппаратни вужудга келтириш масаласи кўндаланг турибди. Шу билан бирга, етарли қувватга эга бўлган, трест туридаги қурилиш корхоналарисиз нефт–кимё, металлургия, нефт–газ қувур ўтказмалари, кенг кўламдаги оммавий қурилишлар ва бошқа турдаги йирик муҳандислик иншоотларида тегишли лойиҳаларни амалга ошириш мумкин эмас.

Жойларда бошқарувчи ходимлар – катта иш бошқарувчи, иш бошқарувчилар, уста, диспетчер, геодезист, участка механиги ва бошқалардан иборат; функционал ишчи – ходимлар эса – ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва бошқаришга ихтисослаштирилган функцияларни бажарадиган, трест бошқаруви ва бошқарув аппаратининг ишчи – ходимларидан ташкил топган.

Қурилиш корхоналарида бошқарув тизимини бош мухандис назорат қилади, бош мухандиснинг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- ишлар режасининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш;
- ишларнинг талаб қилинган сифатини таъминлаш;
- меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш кабилар киради.

Қурилиш соҳаси янги иқтисодий тамойиллар асосида аста–секин қайта тиклана бошлади. Олдинги даврларда катта ҳажмли, кўп босқичли иерархик тузилмалар таркибида фаолият юритган йирик ва ўртача кўламли қурилиш ташкилотлари қисман давлат иштирокидаги ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятларига айлантирилди. Қурилиш соҳаси бошқа соҳаларга нисбатан, умумий ҳолатда халқ хўжалиги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Қурилиш–монтаж ишларининг ҳажмини нисбатан кенгайтириши, яъни мослашувчанлиги юқорилиги билан ажралиб туради. Айнан, турар-жой қурилиши ўз моҳиятига кўра, ўзига хос поезднинг қолган вагонларини тортиб кета олувчи лакомотив тавсифига эга бўлиб, бу соҳанинг ривожлантирилиши бевосита мебеллар ишлаб чиқарилиши, ёғоч материаллари, пластмасса ва лак-бўёқ материаллари, шунингдек машиналар ишлаб чиқарилиши ва бошқа соҳаларнинг ривожлантирилишига туртки бера олади¹⁵.

Замонавий талабларга эга бўлган ҳолатда сифат даражаси оширилган қурилиш ишлари ҳажмини қайта тиклаш масаласи илгари сурилган.

Янги иқтисодий тамойиллар асосида қурилишнинг қайта тикланиши ва ривожлантирилиши учун қурилишда ва аралаш соҳаларда мавжуд жорий ишлаб чиқариш қувватини модернизациялаш ва янгиларини ташкил қилиш бўйича кенг кўламли ва узоқ муддатли ишлар бажарилиши талаб қилинади. Қурилишда аста–секин кичик корхоналар ташкил қилиниб, ҳозирги вақтда улар пудратчилик ишларининг 1/3 қисмини бажаришлари қайд қилинади. Уларда меҳнат унумдорлиги қурилишда йирик ва ўрта бизнеснинг шу каби кўрсаткичларининг 90% қийматидан ортиши маълум¹⁶.

Ўзбекистонда нисбатан унчалик катта қийматга эга бўлмаган молиялаштириш билан биргаликда лизингни кенг кўламда ривожлантирилиши тезкор тарзда машина ва қурилмалар паркини ташкил қилиш, кичик кўламдаги механизациялаштириш воситаларида тўхталишларни бартараф қилиш имконини беради. Жорий бозор иқтисодиёти муносабатлари қатъий тартибдаги рақобат муҳитини юзага келтириб, қурилиш фирмаларининг

¹⁵ David Langford, R.F. Fellows, M. R. Hancock., Human Resources Management in Construction. - New-York. 2020.

¹⁶ М.М. Miraxmedov, X.I. Yusupov, I.M. Maxamataliyev, E.A. Shomirzayev, A.T. Ilyosov. Qurilishni tashkil etish va rejalashtirish – T.: “Sharq”, 2018. 38-55 b.

истеъмолчилар билан бевосита мулоқотга киришишларини талаб қилади. Ўз навбатида, потенциал буюртмачиларни ўрганиш зарурати юзага келиб, уларга ўз имкониятлари ва устун жиҳатлари ҳақида ахборот бериб, буюртма қабул қилинганидан кейин – таминоччилар ва субпудратчиларни батафсил ўрганиш, қурилиш соҳасида янгича бошқарув фаолияти – яъни, маркетингни қўллаш талаби юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дикман Л.Г., Дикман Д.Л. Организация строительства в США. – Москва: Изд АСВ, 2019. – 376 с.
2. М.М. Miraxmedov, X.I. Yusupov, I.M. Maxamataliyev, E.A. Shomirzayev, A.T. Ilyosov. Qurilishni tashkil etish va rejalashtirish – T.: “Sharq”, 2018. 38-55 b.
3. David Langford, R.F. Fellows, M. R. Hancock., Human Resources Management in Construction. - New-York. 2020.
4. Rodney Howes, J. H. M. Tah., Strategic Management Applied to International Construction. - New-York. 2019.
5. <https://lex.uz/>